



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 6216

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласи ҳудудида жойлашган “BOG’OT MASHARIF QUVAQOV” ММТПга қарашли “Эски болалар боғчаси биносининг бир қисми” ва “Автовес” биноларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги “BOG’OT MASHARIF QUVAQOV” ММТП раҳбари М.Абдуллаевнинг Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Эски болалар боғчаси биносининг бир қисми” ва “Автовес” биноларига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 15 январдаги ХО-А-107-сонли сўровномасини, “BOG’OT MASHARIF QUVAQOV” ММТПнинг 2020 йил 28 январдаги 5-сонли маълумотномасини, 2006 йил 20 мартдаги далолатномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 3 февралдаги № 459-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Тўпчи” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Эски болалар боғчаси биносининг бир қисми” жами 10 (ўн)та хонадан иборат, жами ички ўлчами 181,83 квадрат метр, қурилиш ости майдони 220,0 квадрат метр, умумий ер майдони 485,0 квадрат метрдан, “Тўпчи” маҳалласида жойлашган “Автовес” биноси жами 2 (икки)та хона ва 1 (бир)та бостирмадан иборат, жами ички ўлчами 37,80 квадрат метр, қурилиш ости майдони 224,0 квадрат метр, умумий ер майдони 600,0 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “Эски болалар боғчаси биносининг бир қисми” ва “Автовес” бинолари “BOG’OT MASHARIF QUVAQOV” ММТПга тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. “BOG’OT MASHARIF QUVAQOV” ММТП (М.Абдуллаев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “Эски болалар боғчаси биносининг бир қисми” ва “Автовес” биноларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот туман ҳокими

О.Холбоев